

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БАНК ВА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Шадманов Хайрулла Носириллаевич
ТДИУ, “Савдо иши” кафедраси доценти

Глобаллашув жараёни жаҳон молия бозорларида кучли рақобат муҳитини шакллантирмоқда. Бу эса банклар ва суғурта компанияларини ўзаро ҳамкорлик қилишга ундади. Натижада “банксуғурта” (bancassurance) тизими вужудга келди. Банксуғурта — бу банк ва суғурта компаниялари ўртасидаги интеграция бўлиб, банклар орқали суғурта маҳсулотларини сотиш тизимидир.

Introduction

Ҳозирги кунда банксуғурта хизматлари Европа, АҚШ ва Осиё мамлакатларида кенг ривожланган бўлиб, молиявий хизматларнинг муҳим қисмига айланган.

Банксуғурта тушунчаси ва моҳияти

Банксуғурта — банк ва суғурта компаниялари ҳамкорлиги асосида миждозларга комплекс молиявий хизматлар кўрсатиш шаклидир.

Асосий мақсадлари:

- миждозларга қулай хизмат кўрсатиш;
- банк даромадларини диверсификация қилиш;
- суғурта хизматлари бозорини кенгайтириш;
- молиявий барқарорликни таъминлаш.

Банксуғуртанинг асосий хизматлари:

- кредит суғуртаси;
- ҳаёт суғуртаси;
- мол-мулк суғуртаси;
- автосуғурта;
- тиббий суғурта;
- инвестицион суғурта маҳсулотлари.

Банксуғурта хизматларининг ривожланиш даражаси ва хусусиятлари, турли мамлакатлар ва географик минтақаларда молиявий муносабатларни ташкил қилишнинг давом этиб келаётган тарихий анъаналари билан боғлиқ ҳолда, ҳар бир мамлакат қонунчилигидаги ўзига хосликлар ва мавжуд чекловлар банклар ва суғурта компаниялари фаолият кўрсатишида ташқи муҳитнинг тобора янгилаш шарт-шароитлар касб этиши билан боғлиқ равишда давом этиб келмоқда.

Хорижий мамлакатларда қўлланилаётган банксуғуртани ташкил қилиш моделлари бўйича амалга оширилган илмий-услубий ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатдики,

қўлланилаётган моделларда сон жиҳатидан, хусусиятлари ёки моҳияти жиҳатида умумқабул қилинган ёндашувлар тўғрисида адабиётларда келтирилмаган.

Бу дунё миқёсида тобора кучайиб бораётган глобаллашув жараёнлари билан ва ўз ўрнида шаклланаётган глобал молия тизимидаги интеграция жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, ушбу жараён деярли барча минтақаларда банк ва суғурта фаолиятининг интеграцияси учун имконият яратади. Шу туфайли, молия бозорининг янги конвергент модели шаклланиши жараёнида унга параллел равишда банк суғуртасини ташкил етувчи моделларни таркибий ўзгартириш жараёнлари кузатилмоқда.

Банксуғуртани ташкил этишнинг учта классик моделларининг ўзига хос белгиларини тадқиқ қилиш уларни ўзаро фарқлашнинг асосий параметрларини кўриб чиқишга зарурат сезмоқда.

Суғурта компаниялари одатда, ўз эътиборларини ўзларининг асосий профессионал фаолиятига, яъни суғурта фаолиятига қаратганлиги туфайли, суғурта хизматларини бевосита сотишда кичик ҳиссага эга ёки умуман ушбу фаолият билан шуғулланишмайди. Улар асосан маъмурият ишлари билан шуғулланиши ва суғурта фондларини бошқариш, бозорни ўрганиш, замонавий менежмент ҳамда инфорацион технологияларни жорий этиш каби масалалар билан шуғулланишади.

Банксуғурта шаклланган ва ривожланаётган мамлакатларда ушбу концепцияни ташкил этишнинг асосий моделлари бўлиб Европа, Осиё-океания ва Шимолий Америка моделлари ҳисобланади. Молиявий конгломерациянинг ҳамда банклар ва суғурта компаниялари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик интеграциясининг назарий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда таъкидлаш керак, ушбу фаолиятнинг суғурта бозорларига кириб бориш даражаси турли мамлакатларда турлича. Банксуғурта концепциясини амалга ошириш Осиё-океания ва Европада энг тез суръатларда кечмоқда. Банклар ва суғурта компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик Европа мамлакатларида асосан банк хизматларини ҳаёт суғуртаси билан бирлаштиришга қаратилган.

Умуман олганда Ўзбекистон суғурта бозорида ҳам яқин келажакда банклар ва суғурта компанияларининг интеграцион ҳамкорлиги чет мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда янада кенгайди деган фикрдамиз. Ушбу ҳамкорлик ҳаёт суғуртаси хизматлари бўйича ҳам йўлга қўйилган ҳолатда ҳаёт суғуртасининг мамлакатимизда ҳам кенгайишига олиб келган бўлар эди. Бунинг учун албатта ҳаёт суғуртаси соҳаси учун солиқ имтиёзларини қайтариш муҳим ҳисобланади. Чунки чет эл тажрибасидан келиб чиққанда, ҳаёт суғуртаси учун кенг шароитлар мавжуд бўлган хорижий мамлакатларда ҳам солиқ имтиёзлари амал қилаётганлиги ушбу усул ҳаёт суғуртасини ривожлантиришнинг асосий омили эканлигини исботлаб турибди. Бу суғурта хизматларининг ижтимоий ҳимоя воситаси эканлиги ва шу туфайли ҳам бу соҳани давлат қўллаб-қувватлаши зарурлигини унутмаслигимиз зарур.

Шу билан бирга, интеграцияни режалаштириш интеграция субъектлари фаолиятининг барча институционал, функционал ва инструментал жиҳатлари билан узвий боғлиқ

хисобланади¹. Бизнинг фикримизча, интеграцияни режалаштириш унга мос стратегияни ишлаб чиқишни талаб қилади. Ушбу стратегия интеграция объектлари ва субъектларини бирлаштириш билан боғлиқ бўлган ташкилий тадбирларни ўз ичига олади. Натижада интеграция стратегияси унинг мос шаклини белгилаб олиш имконини беради.

Банклар ва суғурта компанияларининг интеграцион ҳамкорлигини бошқаришнинг маълум инструментлари воситасида амалга оширилиши (интеграцияни давлат томонидан тартибга солиш, информацон-таҳлилий таъминотни йўлга қўйиш, бирлашган операцион-технологик платформа яратиш, корпоратив бошқарув, интеграция жараёнида юзага келадиган рискларни бошқариш) ва интеграцион ҳамкорликнинг объект ва субъект даражасидаги самарадорлигини оширишни таъминловчи мос инструментлар билан таъминланиши зарур.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда банксуғурта концепцияси фақат иккинчи босқични бошидан кечирмоқда, яъни 2019 йилдан бошлаб (Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритилиши муносабати билан) банксуғурта концепцияси оёққа турди ва аста-секин ривожланиб бормоқда. Биринчи ва иккинчи босқичда банклар томонидан ўзларининг муассислигида алоҳида суғурта компанияларни ташкил этиш жараёнлари фаол давом этмоқда. Иккала ташкилот бир-бирига ўзларининг ички молиявий ресурсларини тақдим этапти, шунинг эвазига икки секторнинг фаолият самарадорлиги ошиб бормоқда. Банклар ва суғурта компанияларининг ўзаро интеграциявий ҳамкорлиги икки томон учун ҳам фойдали бўлиб, буни хизматлар ва сотув каналлари диверсификациясининг юз беришида, икки томон учун хос рискларнинг минималлашуви ва молия бозори ишончлилигининг ортаётганлигида қўриш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам банк ва суғурта бозори ривожланиб бормоқда. Хориж тажрибасидан қуйидаги йўналишларда фойдаланиш мумкин:

Таклифлар:

- рақамли банксуғурта платформаларини яратиш;
- мобил суғурта хизматларини кенгайтириш;
- банк филиаллари орқали суғурта сотувини ривожлантириш;
- FinTech ва InsurTech технологияларини жорий қилиш;
- халқаро стандартлар асосида риск-менежмент тизимини такомиллаштириш.

Глобаллашув шароитида банксуғурта молия бозорининг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Франция, Германия, Италия, АҚШ ва Япония тажрибаси шуни кўрсатадики, банк ва суғурта компаниялари интеграцияси молиявий хизматлар самарадорлигини оширади, миқдорларга қулайлик яратади ва иқтисодий барқарорликни таъминлайди. Ўзбекистон учун ҳам мазкур хорижий тажрибаларни ўрганиш ва миллий амалиётга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Теория и методология разработки стратегии развития предприятия: монография / И. В. Булавы тахрири остида. М.: МАОК, 2009.167 б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Демченко В.Н. Bancassurance в России и за рубежом. Интеграция страховых компаний и банков в распространении страховых услуг / В.Н. Демченко, П.А. Гришин, А.А. Цыганов // Русский полис.— 2004. - №7. - 136 с.
2. Романова А.О. Формирование механизма взаимодействия страховых компаний с банковскими учреждениями: дис. На получение ученой степени канд. экон. наук. — М., 2005. —231 с.
3. Yasuoka A. Prospects for Bancassurance: Trends towards Integration of Banking Services and Insurance Sales // Nomura Research Institute Papers. – No 85. – January 1. 2005.
4. Voutilainen R. Comparing Alternative Structures of Financial Alliances / Raimo Voutilainen // The Geneva Papers. – 2005. – No. 30. – P. 327-342.
5. Canals J. Competitive Strategies in European Banking // Oxford University Press. – 2005. – P. 34.
6. Analyse de la situation de la bancassurance dans le monde // Focus SCOR Vie. —2005.
7. Яцентюк О.Н. Особенности банковского страхования: мировой опыт и российские реалии / О.Н.Яцентюк // Страховое дело. -2006.-№2.-С.9-16.